

Тўп тепишларингдан айланайин “Пахтакор”, дунё ўзгариб кетяпти-ку, аммо сен кандай тугилган бўлсанг, шундайлигингча турибсан. Хорижнинг футболчиларини футбол нималигини билмаганлар мактайди. Алаканинг итидай юргургани юргурган. Бирор туртиб йикитса хам, ёта колмайди. Иштонининг ичига бурга кириб олганми, сакраб туриб кетаверади. Хе, нодон, ўйинни билмасанг, Тошкентта келмайсанми, нима килишни “Пахтакор” жондан ўрганмайсанми? “Пахтакор” хам текис майдонда, биттагина юмалок тўпни тепади. Аммо унинг биттагина сири бор: бизнинг жонгинингдан айланай “Пахтакор” футболни югуриб эмас, юриб ўйнайди. Майли, хорижликларга хам акл битиб колар. Улар хам шунака ўйинни ўрганишар. Ана ўшанда...

Кўрасиз томошани! Хамма “Пахтакор” каби ўйнай бошласа нима бўлади? Нима бўларди, чемпион бўлади-да? Ўзбекистон чемпиони бўлиши-ку, накд нарса. Ундан кейин Осиё чемпионларининг додахўжаси бўладими? Ундан кейин Африка чемпионнинг бурнини ерга ишкайдими? Хозирча дунё чемпионларининг кубоги йўқ. Нега йўқ, биласизми? Чунки “дунё чемпиони” деган номга лойик команда йўқ. “Пахтакор” хаммани ўз йўригига солиб олганидан кейин шунака чемпионат хам ўтказилади. Ана ўшанда финалда, яъни хал килувчи ўйинда “Пахтакор” билан Бразилиянинг “Сантос” клуби тўкнашади. Бундай чемпионат ўтказилиши ва унда “Пахтакор”нинг мутлак голиб бўлиши кийин масала эмас. Бизни хозирдан ташвишга солаётган масала – ўша хал килувчи ўйиндан репортажни ким олиб боради? “Профессионал спорт шархловчиларимиз кўп-ку?” дейсизми? Сиз ниманидир сўрамокчимисиз, биродар? “Профессионал спорт шархловчиси”нинг кимлигини билмайсизми? Унда укиб олинг: репортаж чогида бир тогдан, бир богдан келса, гапларига бирор тушунмаса – ўша проффесионал спорт шархловчиси бўлади. Демак, финал ўйиндан репортажни шу азаматлар олиб боради-да, демокчимисиз? Тартиб-коида бўйича шундай. Лекин ўша куни унинг кўшнисиникида тўй бўлиб колса-чи? Тўйни ташлаб ким финал ўйинига боради? Ёки энди ишга отланганида кўшниси чикиб “келинингизни тўлгок тутиб колди, машинангизда тугрукхонага олиб бориб кўйинг”, деса-чи?

Хуллас, бу муаммога хозирдан тайёрланишимиз керак. Репортажни факат футбол шархловчисига юкламай, бошка касб эгаларини хам бу вазифага тайёрлаб туриш керак. Ана энди, озгина тасаввур киламиз: 2222 йил. “Дунё чемпиони” номини олиш учун финал ўйин. Микрофон олдида:

Профессионал спорт шархловчиси:

Ассалому алайкум, кадрли спорт мухлислари! Ўзбекистон телевидениесининг камера ва микрофонлари республикамиздаги энг йирик “Пахтакор” стадионига ўрнатилган. Бугун бу ерда “Пахтакор” ва “Сантос” командалари ўртасида хал килувчи учрашув бўлиб ўтади. (Изоҳ:шу онда сийгок болалар учун маҳсус иштон ишлаб чиқарилгани хакидаги реклама берилади) Кани, кўрайлик-чи, ким чемпион бўларкин? Хозирча хисоб очилгани йўқ: нол-нол. Эслатиб ўтамиз, хали ўйин бошлангани хам йўқ. Ие, ана, майдонга футболчилар чикиб келишмокда. (изоҳ: бу онда кизларни казгок балосидан куткарувчи шампун рекламаси берилади) Судъянинг жарангдор хуштаги яна бир неча дақикалардан кейин марокли ўйин бошлангани хакида дарак бериш шарафига мұяссар бўлади. Биз эса эслатиб ўтамиз: демак, хозирча хисоб нол-нол! Нихоят кўнгилларга шодлик улашувчи судъянинг хуштакчаси янгради. Тўп тепилди. Кайтараман, хисоб – нол-нол! Тўп билан

Лопухов. У олдинга интилмокда. Унинг рўпарасида эса кутилмаганда ракиб химоячиси пайдо бўлишга эришди. Кани кўрайлик-чи, Лопуховнинг финтли маҳорати ўз натижасини кўрсата олармикин? Ха, алдаб ўтди. Биринчисини, иккинчисини... мана бу ерда зарб билан тепилган тўп нима учундир химоячининг думалок бошига келиб тушди. Маҳоратли тўпураг хужумчимиз хатога йўл кўйди. У тепган тўпи химоячи бошига эмас, дарвоза тўрига тушиши зарурлигини ўйлаб кўрмади. Умид киламизки, тренер танаффус пайтида хужумчига буни эслатиб ўтишни ўзига шараф деб билади. Диккат килинг, тўп билан Зверев. Кани кўрайлик-чи, у нима кила оларкин? Химоячилар тўпни осмони-фалакка кўтариб юбориш ишини эпчиллик билан амалга оширишди. Шу пайт чакконлик билан югуриб чиккан Козлов тўпни боши билан тепиб, дарвозага йўналтиришга эришди. Демак, хисоб очилди, бир-у нол, олдинда “Пахтакор”. Хужум эса давом этмокда ва Лопухов бурчақдан тўп тепиш бурчини кўлга киритди. Тўп тепилди! Яна Козлов!! Аммо... бу сафар тўп машхур тўппетарнинг бошига етиб келишни ўзига раво кўрмади.

Ана, нихоят судьянинг хуштаги “Пахтакор”нинг чемпион бўлганидан дарак берди. Шунинг билан репортажимизни якунлаймиз. Репортажни Фалонулла Писмадонхўжаев олиб борди.

Тасаввур этайлик, хал килувчи ўйин куни Фалонулла дўстимиз бир сабаб билан хизматга кела олмадилар. Нима килиш керак? Телевидениеда хизмат килувчиларнинг аксари шоирлардир. Эҳтимол, репортаж олиб боришини шулардан бирига юклармиз. Хар холда шоирлар гапга уста бўлишади. Эплашар?

Демак, шоирдан эшитамиз:

Ассалом, эй дўст, ассалом, эй ёронлар! Бугун биз кўм-кўк майдонидамиз севимли ва ардокли командамизнинг. Атрофда гулгун чехралар. Юракда кувонч, кўзларда шуур! Калблар тепади хаяжондан, шавқдан ва завқдан. Майдоннинг барра майсалари майнин бosh эгади футбол эгаларининг маҳоратидан. Ардокли ва эъзозли футболчиларимиз харакатига караб шеър айтгинг келади кишининг:

Оёклар, оёклар

чайир оёклар,

заранг оёклар

тепадилар тўп.

Майнин майса узра

юмалар

тўп

хўб!

Чемпионлик лаззатин

ох!

сурмок соз,

аммо вакт оз...

Дарвоке, секундомеримизга караймиз, ўйин бошланганига ўттиз саккиз минут бўлибди. Энди вакт келмишdir тўп ахли билан таништирок юмушларига. Бизларга ракиб бўлмоклик илиа ташриф буюрмиш меҳмонлар кимлардан иборат? Муборак орка томонларига алифдай “бир” раками билан зарбланган шоиримиз, йўқ, узлар бўлсин, ўйинчимиз - исмларини билмайман, аммо Пушкинга ўхшаб кетадилар. Футболни бекорга

поэзия деб шарафламайдилар. Иштони жиягида икки раками зарбланган йигит Жўрж Байроннинг худди ўзгинаси. Шунингдек, майдонда Гейне, Лермонтов, Лорка каби улугларни эслатувчи йигитларни учратамиз-ки, бу калбларимизга олам-олам нур беражак.

Яна карайлик вакт хисобини килгувчи соат миллариға: уфкка бош кўймокдадир иккинчи бўлимнинг йигирма бешинчи дакикаси хам. Шу ўйининг кайси бир дакикасида мавлоно Козлов ихтиёрлари илиа киритилган тўп хозирча яккадир ва ягонадир! Бунга тарих бермокдадир гувохлик. Бизни бехад сарафroz айлаганлари учун “баракалла, Козловжон!” дегимиз келади. “Офарин, мулла Козлов!” дегимиз келади хайкириб. Кандайин абжирлик, кандайин тезлик бу! Пол коласан киши футбол захматкашларининг маҳоратига. Яна тилга шеър куюлиб келади, ашъор куйилиб келади. Офаринлар дегинг келади уларга – азаматларга, баходирларга.

Ана, нихоят кулокларга хуш ёкувчи хуштак янгради майдон узра. Майсалардан майсаларга урилиб янгради бу хуштак овози. Яъниким, тугади ўйин! Рўй бўлди тунларни кунларга улаб килинган орзу. Бунчалар нафис, бунчалар гўзал, дегинг келади бу санъат ахлига караб. Уларни кутламок пайти келди, дўстлар, уларни табрик этмок, олкишламок лахзасидир бу дамлар. Ашъор тўкиймиз улар шаънига, шеър тўкиймиз! Токи улар жасорати калбга, дилларга, юракларга муҳрлангай бир умр!

Шоир хазратлари бир кун аввал майдан андак бисёр нўш этган бўлсалар, хизматга келолмай колишлари эҳтимоли бор. Шу боис сўзни адаб жанобларига бера коламиз:

Адаб:

Сезганмизсиз: кунлар юмалок тўп каби юмалаб-юмалаб ўтаверади. Стадионнинг ўн иккинчи секторини коралаб кўтарилган күёш, майдонни киздира-киздира, охири чарчаб, ўттиз тўккизинчи сектор ортида ёнбошлаб ётган бепоён уфкка аста бош кўяди. Аммо у ётогига бош кўймай туриб, бугун сабабсиз иссик сел уфурганидан хижолат бўлгандай, стадионни тўлдириб ўтирган футбол мухлисларига уятчан бокади, уларни кийнаб кўйганидан астойдил уялиб, кип-кизариб кетади. Сўнг ўзини окламокчи бўлгандай шабадани чорлайди. Чинор шохларини шитирлатиб етиб келган шабада мухлисларнинг иссикдан бўгриккан юзларини аста сийпалаб, улар калбига маҳзунлик баҳш этади. Сўнг пастга ўрлаб, майсалар кокилини ўйнайди, гўё уларга эртак сўйлаётгандай бўлади. Табиат бекиёс окил ва гўзал. Унинг донолиги олдида не-не дахолар тиз чўкмаган. Ахир кун бўйи саратон куёши киздирган шахарда шабаданинг айнан шу пайтда, футбол ўйини авжга минган маҳалда эсиши ажабтовур ходиса эмасми?

Мана, ўйиннинг иккинчи бўлими хам нихоясига етятти. Онда-сонда уфураётган шабада хамон мухлислар дилини равшан этади.

Одатда шундай бўлади. Кизик. Шабада эсаверади, ўйин эса давом этаверади. Табиат сехрига маҳлиё бўлиб, хисоб очилганини хам сезмай коласан киши. Ха, азизлар, күёш стадион узра сўнгги нурларини сочаётгандай хисоб очилган эди. Бу ондаги футболчиларнинг ички кечинмаларини ифода этмокка сўз ожиз!

Сезганмисиз: ўйин тамом бўлади. Шабада эса гўё билмагандай эсаверади, эсаверади. Сўнг кеч киради, сўнг тонг отади. Табиат сехри ана шунака!

Дарвоке, ўйин хисобининг ахволи кандай экан? Буни зукко мухлислар эртага газетадан билиб олсалар ажаб эрмас.

Табиатнинг ажабтовур сехрларидан яна бири шуки: кечаги майхўрликда шоир билан

биргаликда адиб хам бўлиши эҳтимоли бор экан. У холда умидимиз танкидчидан.

Танкидчи:

Спортизм тарихида янги сахифа очаётган бугунги учрашув хакида сўз бошлишдан аввал “Пахтакор”нинг аввалги ўйинларига киска экспурс килиш жоиздир. Шундагина бугунги учрашувнинг асл моҳияти яққол акс этади. Атокли футбол билимдони Н.Олимов таъкидлаганидек, асосан оёқ билан (яъни тепиб), баъзан эса бош ёрдамида текис майдонда ўйналувчи футбол ахамияти жихатидан спортнинг бошка турларидан кескин фарқ килади. Бундан кўриниб турибдикি, футболчи (ёки тўп тепувчи) яхши югуриши ва керакли пайтда тўхтаб тура олиши баробаринда майдонга ётиб олиш истеъдодига хам эга бўлиши шарт. Ана шу истеъдод кирраларидан ташкил топган команда “футбол командаси” дейилади ва “Пахтакор” шундай командалар силсиласига кирадики, бу бизлар учун муҳим ахамиятга эгадир.

Шу ўринда “Пахтакор” ўз услубига эга команда эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Агар биз команда ўйинчиларининг ички эҳтиросларига, яъниким, калб нидоларига кулок тутсак, уларнинг камрок тўп уриб, кўпроқ ўтказиб юборишга майллари зўр эканини сезамиз. Аммо бу ўткинчи майл. Футболчилар ички кечинмаларини енга оловчи матонатли йигитлардирлар (курсив бизники). “Пахтакор” йилдан йилга ўсиб борувчи команда. Авваллари унинг харакатида эпиклик, яъни майдонни кенг камраб олиш етишмас эди. Ўйинчилар майдоннинг факат маълум майдонларида йикилар ва шу маълум майдонда хузурланиб ётишни хуш кўрадилар. Командада ижодий кўтаринкилик маълум маънода оксар эди. Асар қаҳрамонлари, ие, узр, сал ўтлаб кетибмиз чоги, демак, жамоа, яъни команда футболчилари тўпнинг йўналишини кузатишда актив қаҳрамон даражасига кўтарила олмас эдилар. Хозир ундей эмас.

Хулоса килиб айтсак, “Пахтакор” ўйинларига илмий-назарий нуктаи назардан ёндошиб, кўп фикрлар билдиришимиз мумкин эди. Аммо тўксон минутлик киска вакт ичida бунинг имкони йўқ. Чунки репортажимиз охирлаб колди. Агар янгилишмасак, “Пахтакор” бугун “Реал” командасиiga карши маҳорат билан тўп сурди. “Пахтакор”нинг бугунги ракиби “Зенит” хам бўлиши мумкин, деган эҳтимолни хам назардан кочирмаймиз. Энди тўксон минутлик ўйиннинг оқибати, яъни хисоб хакида фикр юритадиган бўлсак, бу алоҳида илмий изланишни такозо этади. Шошкалок мухлисларга эса “Ахборот”нинг сўнгги спорт сахифасига мурожаат килишларини сўраймиз.

Сўнгги дакикада маълум бўлиб коладики, танкидчи жанобларининг хамкишлоклари “сув билан сутнинг кўшилишидан хосил бўлувчи масса” мавзууда докторлик диссертацияси ёклар эканлар. Химояга бормаслик гуноҳ эмас-ку, аммо зиёфатдан юз ўгириш олимона иш эмас. Шу боис, бошка одам топишга тўғри келади. Бо Худо, шоир, адиб, танкидчи бўлиш шартми? Ана, муҳбир укамиз бекорга ўхшайдилар. Шу йигитга ишона колайлик: Муҳбир:

Биз тушган опполк “Мерседес” машинаси теп-текис асфальт йўлдан елиб борар экан, асов күёш хали адл тераклар ортига ёнбошлимаган эди. Стадионга келиб, атрофга хайрат билан тикилдик: багрига эллик тўккиз минг тўккиз юз тўксон тўккиз ашаддий мухлислар сигдира оловчи стадионда ажойиб бир кўтаринкилик хукмрон. Стадион узра мухлислар симфонияси янграйди.

Майдонда эса галаба иштиёкида ёнаётган футбол усталари завку шавк билан тўп сурадилар.

Мухлислар роҳати йўлида самарали югураётган Козлов командадошлари бошлиб берган

юксак суръатга “Лаббай!” деб жавоб бериб, “Валаки-саланг” кўшма корхонасида сифатли килиб тўкилган тўрга тўп киритди!

Мухлислар Козлов жанобларини олкишлаётган пайтда биз унга савол билан хаёлан мурожаат этамиз:

Савол: Хорманг, жаноб Козлов!

Жавоб: Бор бўлинг.

Савол: Илтимос, мухлисларимизга ўзингизни таништирангиз?

Жавоб: Мен, Козлов, футболчиман.

Савол: Айтинг-чи, хозир нима билан бандсиз?

Жавоб: Хозир футбол ўйнаяпман.

Савол: Оиласиз хакида гапириб берсангиз.

Жавоб: Хозирча оиласиз унча катта эмас, якинда “Бебби” деган итим тугади. Шунда кўпайишамиз.

Савол: Бўш вактингизни кандай ўтказасиз?

Жавоб: Бўш вактимни итимга багишлаганман.

Савол: Канака таомни хуш кўрасиз?

Жавоб: Текин таомни.

Савол: Энди тўп тепиш сирлари билан ўртоклашсангиз?

Жавоб: Тўпни тепиш учун уни аввало ерга кўйиш керак.

Савол: Узр, гапингизни бўламан. Тўп думалок бўлиши шартми?

Жавоб: Ха, иложи борича юмалок бўлгани маъкул.

Мухбир: Рахмат, жаноб Козлов, бундан кейинги зафарли ишларингизда улугдан улуг мұваффакиятлар тилайман. Итингиз тукканида бешик тўйига айтсангиз, бу хакда алоҳида кўрсатув тайёрлаб, мухлисларимизни кувонтирамиз.

Азиз томошабинлар, узр, хаёлдан хакикатга кўчамиз. Карап, ўйин юксак кўтаринкилик рухида давом этмоқда ва секундомер миллари саодатли дақикаларга чорламоқда. Биз кўпмингли мухлислар номидан “Пахтакор”нинг бундан кейинги галабаларига хам тилакдошмиз.

Репортаж олиб боришни мухбирга ишонишимиз хам хомрок кўриняпти. Чунки ўша куни хомий ташкилот раҳбарининг уйида зиёфат бўлса, мухбирга чой ташишдай улуг масъулиятли иш топширилади. Демак, ундан умид йўк. Тўхтант-чи, хов анави кишини танияпсизми? Ие, ха, мусикали драма театрининг артисти-ку? Кани, илтимос килиб кўрайлик-чи, бу ерда бекорга юргандир?

Мусикали драма театри артисти:

Ассалом, эй “Пахтакор”!

Ассалом, эй мухлислар!

Ассалом, эй бўлажак чемпион! Бугун биз ажойиб томошанинг гувохи бўламиз азиз шинавандлар.

Эй куёш, кўрсат юзунг,

Гўлларга тўлсин тўрлар.

Галабадан кувонсин

Жўралар, ўртоклар...

Шундай килиб, биз голлар шайдосимиз. Ана, Лопухов. Кўлимиз кўксимизда, саховатпеша Лопух ўгли! Тўп эса майдонда жавлон уради. Серзак шинавандалар олкишда! Лопухов, Зверев, Козлов айникса илдам!

Уччаласи бўйдокдир, хо бўйдокдир,
Аммо ахил ўртоқдир, хо ўртоқдир.
Жо-о-о-но-ней! Уларга хамла килган
Ракиб оёги чўлокдир, хо чўлокдир,
Вой дод-е...

Шинавандалар уларга пул кистириш иштиёкида ёнадилар. Аммо шавкатли милициямиз бунга йўл бермас! Йўл берганда хам пул кистирмокка бошларида дўппи йўк эрур, иштонга кистирмок эса иснод эрур.

Хуллас, ўйин юксак савияда давом этади. Томошанинг иккинчи пардаси охирламокда. Галабани нишонлаш учун аппосионата етишмаяпти. Бўлмаса, хаммаси гўзал ўтди, гўзал!

Артист жаноблари футболга келмаётган эканлар. Шу стадионнинг оркасида истикомат килувчи бой жанобларининг эрта-индин итлари болалайдиган экан, шу шодиёна муносабати билан зиёфатча ташкил этган эканлар. Футбол деганлари ўйинчиларсиз хам ўтаверар-ку, аммо бой жанобларининг зиёфатчалари ашулачисиз ўтмас. Шу боис артистта ишонмаймиз. Ана, опера театрининг артисти келяпти. Буларни хойнахой зиёфатчаларга чорлашмас. Кўрайлик-чи, балки репортажни шу одам олиб борар.

Опера театрининг артисти:

Киска увертюрадан кейин тренер либреттоси асосидаги футбол томошаси бошланди. “Пахтакор”нинг ажойиб речитатив ансамбл эканини таъкидлаш лозим. Командада бекиёс терцет, хатто квартетлар бор. Булар ансамблдаги аризо ва каватиналарни мутлако рад этмаган холда командани галабага бошлайди. Нихоят, кутилган ўйин бошланди:

Тепилгувчи тўп бо-о-о-р энди,

Судья бизга ё-ё-ё-р энди.

Чойхонада ош дам-ло-о-о-вчи

Тренер унга зо-о-о-р энди.

Судьялар ансамбли ўйинга мохирона дирижерлик кilmokдалар. Солист ўйинчиларнинг барчаси хозирча ўз ролини катта истеъдод билан бажармокда. Ана, Белковни кўринг:

Бола, бола,

Бола деган каттик тепинг.

Секингина унга эмас, бунга тепинг.

Ракибларнинг жахли ёмон, ўргилай,

Секингина, билдиrmайин, ётиб тепинг.

Ие, ана, тўп тепилди! Аммо... парда оркасига ўтиб кетди.

Ўн уч йилдир дарвозага тўп урмайди,

О-о-о...

Майдон узра отни жадал сурмайди,

Во-о-ей...

Ётиб олса, ўрнидан хеч турмайди-и-и-и...

Турмаса турмас. Томоша тамом. Ўйин сюжет характерига, либретто сценарийсига катъий амал килган холда “Пахтакор” фойдасига хал бўлди. Офаринлар ва олкишлар...

Ўйлаб карасак, опера театрининг артистига хам унча ишониб бўлмас экан. Ўша куни уларнинг театрусига беш-ўн одам киргудай бўлиб колса, у бечоралар хам сахнага чикиб,

томуша кўрсатишга мажбур бўлиб колишади. Энг яхиси... Ха, ана, ана, келяптилар: юришларига хамма маҳлиё, Хидоятхонурлар бу киши. “Майсаранинг иши”да кўрганмидингиз? Эҳтимол футбол репортажига хам мохирдирлар? Бир синаб кўрмаймизми?

Хидоятхон:

Шу дeng, акахонлар, майдонга тикилавериб кўз тўймайди-ей! Йигирма иккита норгулгина, азamatгина йигитлар-а! Вужудларидан куч ёғилиб туриди-ей! Вой, курмагурлар-ей, дегинг келади. Оёкларини каранг, бирам узун, бирам узунгина-ей! Хой, коравой йигит ўлмагур Козловжоннинг оёкжонига тепиб юборай деди-я! Тепмайгина ўлгин-а, жувонмарг! Шу норгулгина йигитжон азият чекар хам демайди-я! “Пахтакор”нинг ўйинчиларидан айлансанг арзийди. Битта тўпни ури-иб кўйиб, яйрабгина колишди. Уларнинг елкаларини каранг: ох, ох! Йикилса нак ер титраб кетади. Шуларга битта ош дамлаб, сухбатини олсанг. Дунё кўрган-да, булар, кў-ўп нарсаларни айтиб беришади. Вой, биррам чарчашибди, биррам чарчашибди булар, судъяси тушмагурнинг каҳри мунча каттик бўлмаса. Чала колмайсанми анави савил колгурни. Чу-у-у-р! Хайрият-ей! Хамма икки оёқда туриб колди. Худога шукур!

Хаёлий кўрик-танловимизни шу ёрда тўхтатиб турайлик. Турли соҳа вакилларининг репортаж олиб бориш салоҳиятига баҳо бериш – сиздан. Шу баҳога караб уларни 2222 йилдаги хал килувчи ўйинга таклиф этамиз. Дарвоке, кўрик-танловимиз якунламайди. Давом этади. Эҳтимол, сиз хам бирон кишининг репортаж олиб боришни тасаввур киласиз? Холосамиз шуки, биз орзу килган ўйин бўлиб ўтса, репортаж олиб борувчига зорикмаймиз. Энг муҳими - чемпионликка даъвогар бўлса бас, бу ёги бизга тан. Хўш, азизимиз “Пахтакор”, энди навбат ўзларига!